Mulоqot

## МИКРОМОЛИЯЛАШ ВА МИКРОКРЕДИТ

***— Микромолиялаш ва микрокредит атамаларини эшитганимда, унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушунолмайман. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.***

**А.ОБИДОВ,**
**Фарғона вилояти**

— Микромолиялаш тўғрисидаги 2006 йилда қабул қилинган қонуннинг 3-моддасида микромолиялаш ҳақида сўз юритилиб, унга кўра, микромолиялаш микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошмайдиган суммада микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш, шунингдек, микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ, бошқа хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятдир.

Микрокредит ҳақида эса ушбу қонуннинг 4-моддасида изоҳ берилган: микрокредит қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир.

Микрокредит қарз олувчига пул маблағларини шартномага мувофиқ муайян мақсадлар учун ишлатиш шартлари асосида берилиши мумкин.

## ИПОТЕКА КРЕДИТИ НИМА?

***— Ипотека шартномаси қандай тузилади?***

**А.БОТИРОВ,**
**Тошкент шаҳри**

— 2006 йилда қабул қилинган **«Ипотека тўғрисида»**ги қонуннинг 10-моддасида ипотека тўғрисидаги шартнома ҳақида сўз юритилиб, ушбу моддага мувофиқ, ипотека тўғрисидаги шартнома ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларига риоя этилган ҳолда тузилади.

Ипотека тўғрисидаги шартномада номи, турган жойи ва идентификация қилиш учун етарлича тавсифи кўрсатилган ҳолда ипотека нарсаси, унинг баҳоси, моҳияти, миқдори, ипотека билан таъминланадиган мажбуриятни бажариш муддати ва гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида турганлиги, шунингдек, тарафлар келишувга эришган бошқа маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Ипотека тўғрисидаги шартномада ипотека нарсаси бўлган мол-мулк ипотекага қўювчига қайси ҳуқуққа кўра тегишли эканлиги ва ипотекага қўювчининг бу ҳуқуқини рўйхатдан ўтказган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи идоранинг (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказувчи идора деб юритилади) номи кўрсатилган бўлиши керак.

Агар гаровга қўювчига тегишли ижара ҳуқуқи гаров нарсаси бўлса, ижарага олинган мол-мулк айнан унинг ўзи ипотека нарсаси бўлгандаги каби гаров шартномасида белгиланиши ва ижара муддати кўрсатилиши керак.

Ипотека нарсасини баҳолаш ипотекага қўювчи билан ипотека олувчи ўртасидаги келишувга кўра ёки баҳолаш фаолияти тўғрисида қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ипотека нарсасини баҳолашдан ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ипотека билан таъминланадиган мажбурият ипотека тўғрисидаги шартномада унинг суммаси, вужудга келиш асослари ва бажарилиш муддати белгиланган ҳолда кўрсатилиши керак. Бу мажбурият бирон-бир бошқа шартномага асосланган ҳолларда эса, мазкур шартноманинг тарафлари, тузилган санаси ва жойи кўрсатилиши керак.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ипотека билан таъминланадиган мажбурият суммаси келгусида аниқланиши лозим бўлса, ипотека тўғрисидаги шартномада ипотека билан таъминланадиган мажбурият суммасини аниқлаш тартиби ва бошқа зарур шартлари кўрсатилиши керак.

Агар ипотека билан таъминланадиган мажбурият қисмларга бўлиб бажарилиши лозим бўлса, ипотека тўғрисидаги шартномада тўловларнинг муддати (даврийлиги) ва уларнинг миқдорларни аниқлаш имкониятини берадиган шартлар кўрсатилиши керак.

Агар ипотека олувчининг ҳуқуқлари гаров хати билан тасдиқланган бўлса, бу ипотека тўғрисидаги шартномада кўрсатиб ўтилади, қонун асосидаги ипотекада гаров хати берилиши ҳоллари бундан мустасно.

## ТЎЛИҚ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК БОР?

***— Яқинда иш фаолиятимда жиддий бир камчиликка йўл қўйдим. Шу боис корхона маъмурияти мендан тўлиқ моддий жавобгарлик ундириш тўғрисида қарор чиқарди. Тўлиқ моддий жавобгарлик нима ва у қандай ҳолларда ходимга нисбатан қўлланилади?***

**Акбар ИСКАНДАРОВ,**
**Янгибозор тумани**

— Сизнинг бу саволингизга Меҳнат кодексида батафсил тушунтириш берилган. Хусусан, ушбу кодекснинг 186-моддасида моддий жавобгарликнинг юзага келиши шартлари ҳақида сўз юритилган. Ушбу моддага биноан, меҳнат шартномасининг бир тарафи ўзининг ғайриҳуқуқий айбли хулқ-атвори натижасида бошқа тарафга етказган зарари учун, башарти ушбу кодексда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, моддий жавобгар бўлади.

Тарафларнинг ҳар бири ўзига етказилган моддий зарарнинг миқдорини исботлаб бериши шарт.

Мазкур кодекснинг 202-моддасида ходимнинг тўлиқ моддий жавобгарлиги ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга мувофиқ, етказилган зарар учун қуйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади:

1) махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун (203-модда);

2) бир йиллик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;

3) қасддан зарар етказилганда;

4) алькоголлик ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида зарар етказилганда;

5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий хатти-ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;

6) тижорат сирлари ошкор этилганда;

7) қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар фақат қасддан етказилган зарар учун, алькоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ёки жиноят содир этиш натижасида етказилган зарар учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар.

Меҳнат кодексининг 201-моддасида таъкидланишича, агар ушбу кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ходим етказилган зарар учун ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори доирасида моддий жавобгар бўлади.

**Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.**

*Qonun ijodkorligi*

# МУАЛЛИФЛИК ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР

## *уларни амалга оширишнинг қонуний кафолатлари*

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Хизмат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, агар муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, иш берувчига тегишлидир. Хизмат асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади. Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар ошкор қилинган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса, ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва ҳақ олиш ҳуқуқини тўлиқ ҳажмда қўлга киритади. Муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган усулда фойдаланиш ҳуқуқи чекланмайди. Иш берувчи хизмат асаридан ҳар қандай тарзда фойдаланишда ўз номини кўрсатишга ёхуд уни кўрсатишни талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий турар жойига эга бўлган муаллифларнинг ёки муаллифлик ҳуқуқининг бошқа дастлабки эгалик қилувчиларининг асарларига; муаллифларининг фуқаролиги ва доимий туриш жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида биринчи марта чоп этилган асарларга; Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган асарларга муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилиши мумкин. Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади.

Тахаллус остида ёки имзосиз қонуний ошкор қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар ошкор қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исмига бўлган ҳуқуқ ва муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи муддатсиз муҳофаза қилинади.

Муаллифнинг мулкий ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш, мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида ёки мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин. Мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси ушбу ҳуқуқлар ўтказилаётган шахсга фақат асардан муайян усулда ва шартномада белгиланган доирада фойдаланишига рухсат беради. Мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фойдаланувчига асардан шундай ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказган мутлақ ҳуқуқлар эгаси ва (ёки) бу асардан айни шундай усулда фойдаланиш учун рухсат олган бошқа шахслар билан тенг равишда фойдаланишга ижозат беради. Муаллифлик шартномаси бўйича бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқлар, агар шартномада бевосита бошқа қоида назарда тутилган бўлмаса, мутлақ бўлмаган ҳуқуқлар ҳисобланади. Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар акс эттирилган моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ эмас. Моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқини ёки моддий объектга эгалик қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш шу объектда акс эттирилган асарга бўлган бирон-бир муаллифлик ҳуқуқининг ўз-ўзидан бошқа шахсга ўтказилишига сабаб бўлмайди.

Муаллифлик шартномасида: асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган аниқ ҳуқуқлар); асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари назарда тутилиши лозим.

Муаллифлик шартномаси тарафлар зарур, деб топган бошқа шартларни ҳам назарда тутиши мумкин. Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида айтилмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, агар фойдаланувчи шартнома бекор қилингунига қадар камида олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин. Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси тўғрисида айтилмаган тақдирда, шартномага биноан, бошқа шахсга ўтказилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади. Бошқа шахсга ўтказилиши муаллифлик шартномасида тўғридан-тўғри назарда тутилмаган асардан фойдаланиш ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказилмаган, деб ҳисобланади. Шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақида ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар муаллифлик шартномаси предмети бўлиши мумкин эмас. Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади. Мазкур ҳақнинг энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Агар асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида ҳақ тўлаш қатъий сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп адади белгилаб қўйилиши шарт. Муаллифлик шартномаси бўйича ўтказилган ҳуқуқлар бундай шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Муаллифлик шартномасининг муаллифни келгусида мазкур мавзуда ёки мазкур соҳада асарлар яратишини чеклайдиган шарти ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Хуллас, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни амалга ошириш кафолатлари ижодий фаолият билан шуғулланувчи субъектлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситалари сифатида хизмат қилади.

**Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори**

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Шу билан бирга, вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят хўжалик судига давлатга пахта топшириш шартномавий режаларини бажармаган Конимех туманидаги 12 та, Қизилтепа туманидаги 7 та, Навбаҳор туманидаги 288 та фермер хўжалигидан ҳамда 3 та бошқа хўжаликлардан ҳаммаси бўлиб 276 миллион 191 минг сўмлик 25 фоизли жарималарни ундириш бўйича даъво аризалари киритилди.

*Islohot va mas`uliyat*

# ТАРОЗИНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ

Таажжубланарли томони шундаки, айрим фермерлар юки енгиллашган сари масъулиятни унутиб қўйишмоқда. Авваллари деҳқону фермер бир парча ерга экин қилиб, кўзланган ҳосилни олиш учун қанча қийинчиликларга дуч келарди. Биргина минерал ўғитни излаб, туман, ҳатто вилоятдаги тегишли ташкилотларга бориб, сарсон бўлишарди. Мана, бир неча йилдан буён минерал ўғитлар, бошқа кимёвий воситалар фермер хўжаликларига шартнома асосида ўз вақтида ҳеч қандай тўсиқларсиз етказиб берилаётир. Дарвоқе, шартноманинг 4,2-бандида «Истеъмолчи» ўзи оладиган минерал ўғитлар суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлаши, ҳужжат имзоланиб, маҳсулот олингандан сўнг 60 кун ичида узил-кесил ҳисоб-китоб қилиниши кўрсатилган. Баъзи ҳолларда ўзаро ишонч туфайли ҳамда мавсумнинг муҳимлиги инобатга олиниб, 30 фоиз тўланмасданоқ, маҳсулот юз фоиз етказиб берилган ҳоллар ҳам бўлган. «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига бундай ишонч қимматга тушди. Истеъмолчига кафолатланган сифатли маҳсулотни ўз вақтида етказиб берган мазкур ташкилот бугун 49 та фермер хўжалигидан қарзини ундириб ололмай овора. Шу боис, вилоят прокуратураси ана шу фермерлардан «Қишлоқхўжаликкимё»га тегишли 41 миллион 419 минг сўмлик қарздорликни ундириш юзасидан хўжалик судига даъво аризаларини киритган. Вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган 136 та фермердан 228 миллион 867 минг сўмлик қарзни ундириш тўғрисидаги даъво аризаларида ҳам «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси манфаатларини ҳимоя қилиш мақсади кўзда тутилган.

Шунингдек, 38 та ҳолатда фермерлардан «Навоийнефтбазаси» унитар корхонасига 133 миллион 819 минг сўмлик, вилоят МТПлар бирлашмасига 46 та хўжаликдан 76 миллион сўмлик зарарни ундириш тўғрисида киритилган даъво аризалари ҳам бир қатор фермер хўжаликлари давлатга пахта сотиш шартномасини бажармаганликлари етмаганидек, бошқа ҳамкорларнинг ишончини ҳам суиистеъмол қилишганидан далолат бериб турибди.

Албатта, хўжалик судининг зарарларни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорлари қабул қилинди. Бундан ташқари, ерга хўжасизларча ёндашганларга сабоқ бўлиши учун Хатирчи туманидаги 4 та фермер хўжалигининг 82,7 гектар, Кармана туманидаги 5 та фермер хўжалигининг 104,8 гектар ва Қизилтепа туманидаги 5 та фермер хўжалигининг 333,4 гектар, жами 14 та фермер хўжалигининг 520,8 гектар ер майдони туман ҳокимларининг қарорлари билан давлат заҳира ер майдонларига қайтарилди.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий шарти халқ фаровонлигини таъминлашдан иборат. Бу борада давлатимиз томонидан чиқарилган қатор Фармон ва қарорлар фермер хўжаликларини барқарор ривожлантиришни таъминлаб, бу соҳадаги ютуқларни кафолатлаётир. Барча харажатларни маҳсулотини сотишдан тушадиган даромадлар ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизим бугунги кунда деҳқонга қанот бўлмоқда.

Албатта, давлат эҳтиёжи учун пахта харид қилиш бўйича контрактация шартномалари юзасидан фермер хўжаликлари ҳисобига тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши жуда муҳим. Бу оддий ҳақиқатни тушунмайдиган айрим ташкилотлар раҳбарларининг эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги туфайли айрим фермерларимизнинг қўл билан бериб, оёқ билан югуришига сабаб бўлмоқда. Яъни, Хатирчи туманидаги «Тошмурод Ҳиммати Азиз» фермер хўжалиги раиси М.Муҳаммадиева йил бўйи меҳнат қилиб, давлатга белгиланган ҳосилни топширди-ю, лекин ўзларининг ҳақини ололмади. Негаки, «Хатирчипахтатозалаш» акциядорлик жамияти мутасаддилари «Тошмурод Ҳиммати Азиз» фермер хўжалигига 2005 йил пахта ҳосилидан топширилган маҳсулот учун ҳақ тўлашни пайсалга солди. Фермер вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Бошқарма томонидан хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилди. Жавобгар «Хатирчипахтатозалаш» корхонасидан даъвогар «Тошмурод Ҳиммати Азиз» фермер хўжалиги фойдасига 195 минг сўм жарима ундириладиган бўлди. Фермерлардан бири, яъни М.Муҳаммадиева бошқараётган фермер хўжалиги 6 тонна пахта маҳсулоти топширган бўлса, худди шу тумандаги «Мунаввар она» фермер хўжалиги 2005 йил пахта ҳосилидан 48 тонна хомашё топшириб, тўловга келганда, «Хатирчипахтатозалаш» корхонаси баҳонадан нарига ўтмади. Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 5,3-бандига кўра, пахта хомашёси ҳақини тўлашдан асоссиз бўйин товлагани учун тайёрловчи, хўжаликка тўлашдан бош тортган суманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлаши белгиланган. Демак, «Хатирчипахтатозалаш» корхонаси томонидан фермер хўжалигига тўланиши лозим бўлган жарима миқдори 1 миллион 284 минг сўм. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кўриниб турибдики, ўзаро ишонч бўлмаган жойда ҳамкорликка путур етади.

Хуллас, ерни олиб, ундан унумли фойдаланиш ўрнига, уни ўз ҳолига ташлаб қўйган фермерлар тарозининг биринчи палласида туриб, шартнома шартларини бажармасдан, маҳсулот етиштириб топширган деҳқоннинг ҳақига хиёнат қилаётган бўлса, ваъдасида турмаётган корхона ва ташкилотлар тарозининг иккинчи палласида туриб, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларга халал беришмоқда. Бундай ҳолдан эса, асло кўз юмиб бўлмайди.

**М.ҲОСИЛОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Bugunning gapi*

# АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ

## *кимошди савдоси ғолибларини аниқлади*



**Гулистон туманидаги «Кўчатчилик-тажриба» хўжалигига қарашли боғ ва узумзорлар кимошди савдосига қўйиладиган бўлди. Бугунги кунда соҳибкору деҳқонлар бундай имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятлари кўламини кенгайтиришаётир. Аслида, бу тадбирлар эндиликда янгилик бўлмай ҳам қолди.**

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг бу йўналишдаги ишларни жонлантиришга доир Фармон ва қарорлари соҳани янада ривожлантириш, хусусий мулкчиликни шакллантиришда асосий омил бўлди. Чунончи, Президентимизнинг **«Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони, **«Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғи билан тасдиқланган **«Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг боғ ва узумзорларини сотиш тартиби тўғрисида»**ги Низом боғ ва узумзорларни кимошди савдоси орқали сотишнинг тартиб-қоидаларини аниқ белгилаб берди.

Мана шу асосларга кўра, «Кўчатчилик-тажриба» хўжалигидаги 136,6 гектар боғ ва узумзор кимошди савдосига қўйилди. 58-лойиҳадаги 1 гектар боғ учун фуқаролар Сабоҳат Алиқулова билан Абдусалом Худойбердиев қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш комиссиясига кимошди савдосида қатнашиш учун ҳужжат тақдим этишди.

Талабгор С.Алиқулова мазкур хўжаликда олти йил пудратчи бўлиб ишлаб келган. Яна бир талабгор А.Худойбердиев эса, «Сирдарё ГРЭСқурилиш» ташкилотида ишлаб, 1999 йил октябрдан нафақага чиққан. Комиссия шу йилнинг 8 январида ўтказган ёпиқ кимошди савдосида А.Худойбердиевнинг ҳужжатлари **«Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг боғ ва узумзорларини сотиш тартиби тўғрисидаги Низом»**нинг 17-банди талабларига тўғри келмайди, деб топди. Негаки, кимошди савдосида қатнашиш учун ариза берган шахс қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкатининг) аъзоси бўлиши керак. А.Худойбердиевнинг кимошди савдосида иштироки рад қилингач, С.Алиқулова ўз-ўзидан мазкур лойиҳага ягона талабгор бўлиб қолди. Низомнинг 28-бандига кўра, агар бир лойиҳада жойлашган боғ ва узумзор бўйича ўтказиладиган ёпиқ кимошди савдосида қатнашиш учун талабгорлар бўлмаса ёки фақат битта талабгор қатнашса, кимошди савдоси ўтказилмаган ҳисобланади. Қайта ташкил этиш комиссияси ўз қарори билан ушбу лойиҳага ўтказиладиган кимошди савдосини бир ҳафта муддатга кечиктиради.

С.Алиқуловадан бошқа талабгор чиқмагани боис, ушбу лойиҳадаги 1 гектар боғ очиқ кимошди савдосига қўйилди. Очиқ кимошди савдосида тўрт нафар талабгор — С.Алиқулова, А.Худойбердиев, А.Ҳазратқулов ва У.Акбарова иштирок этишди. Бошланғич нархи 320 минг сўм бўлган 1 гектарлик боғ майдонини фуқаро Абдулла Ҳазратқулов 620 минг сўмга сотиб олди.

Гап шундаки, боғ ва узумзорларни кимошди савдоси орқали сотиб олишда ширкат хўжалиги аъзолари ва пудратчиларига имтиёзлар мавжуд. Тугатилаётган ширкат хўжалиги аъзоси саналган пудратчиларда, агар улар бир лойиҳага талабгор бўлишса, амалдаги Низом талабларига биноан ёпиқ кимошди савдосида боғ ёки узумзорнинг эгаси бўлиш имкони бор. Очиқ кимошди савдоси эса, ширкатга аъзо бўлмаган, муайян иш стажи ва малакага эга ҳар қандай шахснинг қатнашишига йўл очади. Шу сабабдан ҳам, бошқа соҳаларда ишлаётган фуқароларда очиқ кимошди савдосида қатнашиб, боғ ва узумзорларга эга бўлиш нияти туғилаётир. Бу тадбирлар мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларнинг самарали кечаётганидан, мулкка эгалик имконияти кенгаётганидан далолатдир.

Хуллас, «Кўчатчилик-тажриба» хўжалигида ёпиқ кимошди савдосига ўттиз олтита, очиқ кимошди савдосида эса қирқ иккита лойиҳадаги боғ ва узумзорлар, адолат тамойилларига таянилгани боис, ўз эгаларини топди.

**Мардали МАҲМУДОВ,**
**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Zamonamiz qahramonlari*

# ЕР АЛДАМАЙДИ



***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

— 1998 йили Андижон пахтачилик институтини битириб келиб, қўшни Зафаробод туманининг «Уч қаҳрамон» хўжалигида муҳандис бўлиб иш бошлаганман, — дейди фермер — Бир неча йил шу хўжаликда ишладим. Сўнг тақдир тақозоси билан Дўстлик туманига кўчиб келдик. Бу ерда ҳам севган касбимни давом эттирдим. Хуллас, 27 йилдан бери дала кезаман. Меҳнатнинг орқасидан кам бўлмадим. Оилали, уйли-жойли бўлдим. Аслида Фориш туманининг Илонли қишлоғида туғилиб ўсганман. Қишлоғимиз катта, баҳаво жойу, лекин лалмикор. Экин майдонларга сув чиқаришнинг ҳечам иложи йўқ. Осмондан ёмғир тушса, ҳосил бўлади, тушмаса йўқ. Қилинган меҳнату, сарфланган харажатга куйиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Адирларда отам, укаларим билан кўп меҳнат қилганмиз. Сизга бир гапни айтай: ернинг ҳам нафси, нафаси бор. Уни оч қолдирмаслик, зарур пайтда озиқлантириб туриш даркор. Ўзбекистонимизнинг ери халқидай мард, сахий — бирни берсанг юз қилиб қайтаради. Ер алдамайди.

Мунаввар аканинг қуёшда қорайган юзларига қарайман. Асл деҳқон билан суҳбатлашсангиз роҳат қиласиз: очиқ, самимий гапларидан завқланасиз. Ҳа, ўзбекнинг деҳқонига худо ҳалолликдан берган.

— Пайтдан фойдаланиб, сизга бир гапни айтиб олай, мухбир ука. Илтимос, шуни иложи бўлса газетангизга катта-катта харфлар билан ёзсангиз, — деди М.Собиров. — Бизга кўрсатаётган чексиз ғамхўрликлари учун Президентимизга минг раҳмат. У кишининг ҳар бир соҳада қилаётган савоб ишларининг санаб адоғига етолмайсан, одам. Тўғри тушунинг, буни хушомад учун айтаётганим йўқ. Гарчи қишлоқда яшасак-да, оддий деҳқон сифатида бари-барини ҳис этиб турибмиз. Мана бир мисол. Ўтган йилнинг ноябрь ойида пойтахтда — «Ўзэкспомарказ»да савдо кўргазмаси ташкил этилди. Мен ҳам бордим. Эҳ-ҳе, ундаги одамлар-у, сотилаётган техникани кўрсангиз. Кўриб кўз қувнайди. Биз фермерларга зарур нарсанинг бари бор. Марҳамат, керагини олаверинг, кредитга берамиз, деб туришибди яна. Қувонмай бўладими, ахир?! Дўстлик туманидан борган фермерлар ўзларига керакли техника, жиҳозларни сотиб олишди. Мен ҳам нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик цех ва битта ҳайдов трактори сотиб олдим. Қаранг, агар мен шу цехни Россиядан олиб келиб ўрнатадиган бўлсам, 30 миллиондан ошиқ пул кетаркан. Кўргазмадан эса, керакли манзилга ўрнатиб бериш шарти билан 22 миллион сўмга олдим. Хуллас, цехни ишга туширсак, яна 20 нафар одам иш билан таъминланади. Фермер хўжалиги ишчи-хизматчиларининг сони 40 кишига етади. 2006 йили ҳар бир аъзомизнинг ўртача йиллик даромади 1 миллион 200 минг сўмни ташкил этган бўлса, цехдан кўрадиган фойда эвазига бу кўрсаткич янада ошади. Деҳқоннинг рўзғоридан кўнгли тўқ бўлса, астойдил кетмон чопади-да.

Мунаввар ака ғурур билан гапиради. Кўнглида орзулари бир олам. Кўпроқ қилинган ишлардан кўра, режалари ҳақида сирлашади.

Дарвоқе, мен бу далаларга мана шу самимийлиг-у одамийликни соғиниб келаман. Тошкентга қайтарканман, қўли қадоқ бободеҳқоннинг ҳаёти, турмуши, ўзидай содда, самимий гурунгларидан руҳим кўтарилиб, яшаш, яратиш завқи кишига нечоғлик бардам кайфият бағишлашини чин дилдан ҳис этаман.

**Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

